
Ишчи гурух вакили, туман ҳокими ҳамда сектор рахбарлари томонидан “Тарғова” МФЙда ўрганишлар олиб борилди.

Ишчи гурух вакили, туман ҳокими ҳамда сектор рахбарлари томонидан Данғара тумани З-сектор ҳудудида жойлашган “Тарғова” МФЙда ўрганишлар олиб борилди.

Махалла раиси бошчилигидаги “Махалла еттилиги” билан учрашиб аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб ўтилди.

“Тарғова” МФЙда ахолининг ерлардан самарали фойдаланиш борасида Махмудов Расулжон томонидан ташкил этилган иссиқхонада бодринг этиштириш жараёни ўрганилиб чиқилди. Ишчи гурухи томонидан мигратциядан қайтганларни иш билан таминлаган Мирзаев Вохобжон томонидан ташкил этилган мошни қайта ишлаш фаолияти ўрганилиб чиқилди. Тадбиркорликни кенгайтириб янги иш ўринлари яратиш бўйича таклифлар билдирилиб ўтилди.

2025-02-03 19:05:01